

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 11 март, № 52 (8114)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРНИНГ ТАҚДИМОТ МАЙДОНИ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 март куни Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ушбу форум 24—26 март кунларига режалаштирилган бўлиб, унда халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмалар, 56 та давлатдан 1 минг 500 нафардан зиёд йирик инвесторлар ва юқори мартабали меҳмонлар қатнашиши кутилмоқда. Хусусан, Европа тиклашиш ва тараққиёт банки, Осйё тараққиёт банки президентлари, вазирлар, йирик корпорация ва компаниялар раҳбарлари иштирок этиди.

Форум доирасида ялпи мажлис ва шўба мажлислари, давра суҳбатлари, тақдимотлар, брифинглар каби 40 дан ортиқ тадбирлар кўзда тутилган.

Мазкур анжуман мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган истиқболли лойиҳаларнинг тақдимот платформаси бўлиб хизмат қилади. Юртимиздаги имкониятлар, хорижий инвесторлар учун яратилган ша-

роитлар ва жозибдор йўналишлар таништирилади.

Йиғилишда форумга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари бундай инвестиция форуми Ўзбекистонда биринчи марта ўтказиладиганига эътибор қаратиб, уни юқори даражада ташкиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Мамлакатимизнинг халқаро бизнес ҳамжамиятига очқлигини намойиш этиш, хар бир тармоқ ва ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини кўрсатиш зарурлиги таъкидланди. Йирик лойиҳаларга илғор технологиялар ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ натижаларга эришиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоевнинг "Cotton Campaign" халқаро коалицияси раҳбари Б. Фриман билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Мулоқотда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

— Ўзбекистон ва "Cotton campaign" халқаро коалицияси ўртасида сўнгги йилларда икки томонлама ўзаро ишончли ҳамкорлик асосидаги алоқаларимиз изчил ривожланган бормоқда, — деди Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси туйғайли барча соҳада кенг қўлланма

лоҳотлар амалга оширилиб, салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш масаласига устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Шу қатори мамлакатимизда миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, шунингдек, унга бозор тамойилларини кенг татбиқ этиш ҳамда механизациялаштириш, меҳнат учун муносиб ҳақ тўлаш борасида олиб бориладиган ислоҳотлар натижасида юртимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат баргараф

«COTTON CAMPAIGN» ХАЛҚАРО КОАЛИЦИЯСИ ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ГЛОБАЛ БОЙКОТ ЧАҚИРИҒИНИ ТУГАТДИ

Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия вакиллари ҳамда "Cotton campaign" халқаро коалицияси делегацияси аъзолари иштирокида Ўзбекистоннинг пахтачилик соҳасида яратилган меҳнат шароитларига бағишланган пресс-брифинг бўлиб ўтди.

Брифинг

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева, "Cotton Campaign" халқаро коалицияси раҳбари Б. Фриман раҳбарлигидаги делегация аъзолари, текстиль соҳасидаги халқаро брендлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, миллий ва Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ОАВ ходимлари иштирок этиди.

Брифингда сўзлаган Олий Мажлис Сенати Раиси мамлакатимиз-

да Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган кенг қўлланма ислоҳотлар асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мутлақо янги тизими яратилганини алоҳида таъкидлади. Айни чоғда меҳнат соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, муносиб меҳнат шароитлари яратиш, аҳолининг бу борадаги фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, миллий ва Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ОАВ ходимлари иштирок этиди.

ҳотлар ва улар натижаси юзасидан маълумот берди.

Қайд этилганидек, 2019—2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилоти конвенция ҳамда баённомалари ратификация қилинди. Болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш чоралари кўрилди. Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида институционал базани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шуларга мос равишда 2019 йилда Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий комиссиялар ҳамда ушбу масалалар бўйича Миллий маърузачи институти ташкил этилди, бу мазкур йўналишда миллий ва маҳаллий даражада комплекс, мувофиқлаштирилган ва самарали ишлари амалга ошириш имконини бермоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

Кўп йиллик индикатив дастур бир қатор соҳалар ривожига хизмат қилади

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи 2021—2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги Кўп йиллик индикатив дастурни ишга туширди.

Кеча пойтахтимиздаги «Hyatt Regency Tashkent» меҳмонхонасида бўлиб ўтган анжуман мазкур Кўп йиллик индикатив дастур тақдирини баҳолади.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Садриддин Абдураҳмонов ҳамда Европа Иттифоқининг халқаро ҳамкорлик бўйича комиссари Ютта Урпильяйнен иштирокчиларга қўтлов сўзи билан видеомурожаат қилди.

Маҳаллий ва хорижий ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Садриддин Абдураҳмонов, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги элчиси Шарлотта Адриан ва бошқалар ўзаро самарали ҳамкорлик натижалари, Ўзбекистон учун 2021—2027 йилларга мўлжалланган янги Кўп йиллик индикатив дастур мазмун-моҳияти ҳамда унинг соҳалар бўйича қамрови юзасидан фикр юритди.

Қайд этилганидек, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон учун 2021—2027 йилларга мўлжал-

ланган навбатдаги дастур мuddати доирасида Европа комиссияси билан икки томонлама молиявий-техник ҳамкорлик янада кенгаймоқда.

— Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ташкилотлари экспертлари биргаликда ушбу дастурни шакллантирди, — деди инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Садриддин Абдураҳмонов. — Маълумки, илк босқичи — 2014—2020 йилларда ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Мамлакатимизда доллар зарб мавзусига қаратилган янги лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқишда ушбу янги босқич муҳим аҳамият касб этади. Дастур 2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг долзарб ва устувор йўналишларига монанд. Албатта, бу муҳим жиҳатдир. Мана шу дастур билан Европа Иттифоқи Ўзбекистонда амалга оширилаётган устувор йўналишдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришда ёрдам беради.

ДЕПУТАТЛАР ҚЎМИТА РАИСЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди. Унда депутатлар "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини самарали амалга ошириш, маиший чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани муҳокама қилдилар.

«Ҳукумат соати»

Кун тартибидеги масала юзасидан депутатларнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси Урмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Низомиддин Бакиров ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Нарзулла Обломуродов жавоб берди.

Урмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н. Бакиров таъкидлашча, кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик ҳолатни яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётган. Утган 2021 йил куз мавсумида бошланган "Яшил макон" лойиҳаси ва "Долзарб 40 кунлик" тадбири бўйича белгиланган топшириқлар ортиси билан баҳарлигиб, мониторинг натижалари бўйича 85 миллион түп кўчат экилди.

Бундан ташқари, "Яшил йиллик" умуммиллий тадбири доирасида 2022 йил баҳор мавсуми учун кўчат экиш бўйича

амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўз ичига олган "йўл хариталари" ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Ҳозирги кунда шу асосда ишлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, жорий йил баҳор мавсуми давомида кўчат етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан 55,7 миллион түп, кўчатчилик фермер хўжаликлари — 47,3 миллион, ўрмон хўжаликлари — 21,5 миллион ҳамда академик М. Мирзаев номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг худудий филиаллари томонидан эса 499 минг түп ҳар хил турдаги иқлим шароитига мос кўчатлар етказиб берилди. Бугунги кунда ўрмон хўжаликлари кўчатхоналарида 26,8 миллион түп ҳар хил турдаги кўчатларнинг захираси яратилган.

Урмон хўжаликлари томонидан ҳозирги кунда худудлар иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ўрмонзорларни кенгайтириш ҳамда кўчатхоналарни ташкил этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Мўйноқ туманидаги Орол денгизининг қуриган тубида жорий йилда "яшил қопламалар" барпо этиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари олиб борилиб, экиладиган худудлар белгиланган, харитаси ва смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Урмон-мелиоратив тадбирларни бажариш учун бугунги кунда 635 нафар ишчи-ҳодим жалб этилган бўлиб, уларнинг яшashi билан боғлиқ барча шарт-шароит яратилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида айни пайтгача 568 тонна, шу жумладан, маҳаллий аҳоли томонидан чўл ўсимликларининг уруғларидан 382,7 тонна жамғарилди, 68,5 минг гектар майдонда "яшил қопламалар" барпо этилди, 70 гектарда ниҳолхоналар ташкил қилинди. Шу билан бирга, 752 тонна чўл ўсимликлари уруғлари жамғарилди, 110 гектар ерда саксовул ниҳолхоналари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, тез ўсувчи дарахтларнинг 11 миллион донна қаламчаси тайёрланиб, кўчатхоналарга экилди.



Нуқтаи назар

ИЛМ-ФАН — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ

Барча соҳада янгиликларга интилиш ҳамда рақобат кучайиб бораётган бугунги давр иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаб бориш учун илғор илмий ишланмалар ва техникавий ютуқлардан самарали фойдаланишни тақозо қилапти.

Бугун янги Ўзбекистонда тўб ислоҳотлар жадал давом этмоқда. Бу эса жамиятимизнинг барча жабҳасида, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар йўналишлар ва албатта, илм-фанда жадал ривожла-

нишни талаб этапти. Чунки илм-фан ҳамда ҳаёт ўртасида диалектик боғлиқлик мавжудки, агар у турмушимизга қанча кўп хизмат қилса, жамият ҳам илм-фан равангига шу қадар эътибор қаратади.

ҲАР 1000 КИШИГА ЎРТАЧА 87 ТА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда жисмоний шахсларга тегишли енгил автомобилларнинг умумий сони 3 051 734 тани ташкил этмоқда.

Бу рақам ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 284 608 тага ошганлиги ойдинлашади.

Ўзбекистонда ҳар 1000 нафар доимий аҳолига ўртача 87 та енгил автомобиль тўғри келмоқда.

Манба: Давлат статистика қўмитаси

ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН АЛОҚАЛАР ЯНГИЧА ТУС ОЛДИ

Олий Мажлис Сенатида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси Эркин Гадов ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Маҳмуджон Парлиев Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақасида ижтимоий барқарорлик ва интеграция амалиёти раҳбари Варалакшми Вемуру бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ушбу молия маъносаси билан ҳамкорликда устувор тармоқларда амалга оширилаётган ва истиқболда режалаштирилган лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг Жаҳон банки билан конструктив ҳамкорлиги сўнгги йиллардаги ўзгаришлар натижасида янги-ча тус олгани алоҳида таъкидланди. В. Вемуру Ўзбекистонда хотин-қизлар тенглиги доирасида Президент ҳамда Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолаб, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган маъмурий ишлар мамлакатнинг халқаро майдондаги имижига ижобий таъсир кўрсатиши, шунингдек, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини юқ-

салтиришга хизмат қилишини эътироф этди. Мулоқот давомида Жаҳон банки эксперти Одри Сакс томонидан мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича мамлакатда олиб борилган ишлар юқори баҳоланди. Парламентаризм, ёшлар ва хотин-қизлар, аввало, қишлоқ жойларда яшаётган хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, инсон капиталини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар муҳома қилинди. Хусусан, Жаҳон банки иштирокида қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 2,7 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳанинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилди. Учрашувда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар учун шарт-шароитларни яхшилаш борасида Жаҳон банки билан ҳамкорлик давом эттирилиши қайд этилди.

«Халқ сўзи».

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўз навбатида, ушбу соҳадаги институционал ўзгаришлар, фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганиги бу борада муҳим аҳамият касб этётгани ҳам алоҳида таъкидланди. Учрашувда эътироф этилганидек, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия томонидан мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия томонидан тегишли вазирлик ва идораларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириб боришда ҳамда бу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар жадваллик билан амалга оширилмоқда. Шуларга мос равишда халқаро ҳамжамият, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти, Меҳнат вазирилик ҳамда «Cotton campaign» халқаро коалициясининг таклиф ва тавсиялари асосида қатор чоралар рўёбга чиқарилди. Мулоқот давомида мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилганиги, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси чуқур ислох қилингани ҳамда пахта

ишлаб чиқарилиши, нархи соқланганлиги ва мажбурий соқиланиши давлат томонидан тартибга солиш амалиётидан воз кечилганлигига ҳам ургу берилди. Б. Фриман Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия томонидан мажбурий меҳнатга қарши курашишда рўёбга чиқарилган сай-ҳарақатлар амалий ва тизимли эканлиги, унинг натижалари нафақат мамлакат ичиди, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф қилинаётганини таъкидлади. — Ўзбекистонда сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида мутлақо янги муҳит шаклланди — деди у. — Пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатдан фойдаланил-маётгани ва унга тўлиқ барҳам берилгани нафақат бизнинг коалициямиз, балки фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Тадбир давомида икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ҚЎМИТА РАИСЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

Қайд этилганидек, Президентимизнинг «Республикада қўқамалдорлаштириш ишларини жаддалаштириш, дархатлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, юртимизни кўқамалдорлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг 186 та туман ва шаҳрида 2022 — 2024 йилларда 1 минг 278 гектар, шундан 2022 йилда 584 гектар майдонда яшил боғлар, 184 та туман ва шаҳардаги 306 та объектда 2022 — 2024 йилларда 1 минг 82 гектар ерда янгидан яшил жомат парклари барпо этиш белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича барча ташкилий ва амалий чоралар қўқамалдор.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси Н. Обломуродовнинг депутатларга берган ахборотида келтирилганидек, бугунги кунда юртимизда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган изчил сиёсат олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш соҳаларини замонавий технологиялар билан жиёзлаш натижасида атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларнинг миқдори, оқова сувларнинг ташланиши камаймоқда. 2017 — 2021 йилларда чиқиндиларни бошқариш тизимини тубдан қайта ташкил этиш ва соҳани тақомиллаштириш юзасидан 27 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар асосида қаттиқ машиш чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш инфратузилмаси яратилди, 13 та санитар тазолаш давлат унитар корхонаси ҳамда уларнинг туман ва шаҳарлардаги 172 та филиали ташкил этилди. Бюджет маблағлари ҳисобидан 632 млрд сўм маблағ эвазига 1 минг 245 та махсус техника харид қилиниб, корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Хизматлар билан қамров даражаси кескин ошди. Яъни республика ҳудудининг 91 фоизи санитар тазолаш хизматлари билан таъминланди, 2016 йилдагига нисбатан 18 баробар ошди. «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхо-

«КИБЕРҲАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН — ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

Асримизнинг глобал муаммолари қаторига кейинги пайтда тез-тез тилга олинаётган кибержиноятчилик ҳам қўшилгани таассуфланарлидир. Унинг бизга маълум бўлган вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиб кириш, кредит карта ва бошқа банк реқвизитларидаги маблағларни ўзлаштириш, талон-торож қилиш ҳамда интернетда қонунга зид ахборотлар, хусусан, бўҳтон, тўхмат каби маълумотларни тарқатиш орқали башарият ҳаётига хавф солаётганидан асло кўз юмиб бўлмайдми. Албатта, ушбу хатар бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Сенат ялпи мажлиси олдидан

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш учун меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Яъни ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир ҳуқуқий нормалар қонунчилигимизда қисман ақс эттирилган бўлиб, улар ҳозирги глобал тенденцияларга тўлиқ мос келмайдми. Киберхужумларни кузатиш, улар оқибатларининг олдини олиш ва етарли даражада профилактика чораларини кўриш имконини берадиган давлат идоралари ва техник операторлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизими ҳам мавжуд эмас. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати учун салбий ва ҳатто халокатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган давлат ахборот-коммуникация инфратузилма-

си объектлари аниқланмаган ва тур-қумланмаган. Бундай муҳим объектларда ахборот тизимлари ва воситаларнинг хавфсизлик тизимини баҳолашнинг усули ва услублари ҳам йўқ. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, у Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилмоқда. Бу ҳужжат 8 та боб ва 40 та моддадан иборат бўлиб, уларда қонуннинг мақсади, вазифалари, асосий тушунчалар, кибержиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашишнинг принциплари, йўналишлари, усуллари, масъул

давлат органи ва унинг ваколатлари, киберхавфсизлик ҳодисалари бўйича чоралар кўриш ҳамда халқаро ҳамкорлик масалалари назарда тутилмоқда. Жумладан, қонуннинг мақсади юртимизда киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унинг асосий вазифалари кибермақонда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш принциплари. Қонунда «кибержиноятчилик», «кибертаҳдид», «киберхавфсизлик», «киберхимоя» ва «киберхужум» тушунчалари қўлланиб, киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари ва бу соҳадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари белгиланмоқда. Шунингдек, Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ва-

колатли давлат органи этиб белгила-ниб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳам бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилаётир.

Улар куйидагилардан иборат:

- ўз тасарруфидаги ахборот тизими ва ресурслари киберхавфсизлигини, тармоқлар иши барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органи киберхужумлар тўғрисида оғоҳлантириши керак бўлади;
- ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ва қалбаки-лаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўради;
- киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари ваколатли давлат органи билан келишади.

Шу билан бирга, қонун билан киберхавфсизлик субъектларининг ҳуқуқ

ва мажбуриятлари, уларнинг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан мажбурий тартибда ёки киберхавфсизлик субъектларининг ташаббусига кўра амалга оширилиши белгилаб берилмоқда. Ҳўш, ушбу қонун қабул қилинган, қандай натижалар беради?

Аввало, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, киберхавфсизликнинг давлат томонидан тартибга солиш, ҳуқуқий, ташкилий, илмий-техник ва меъёрий-услубий таъминот тизимини тақомиллаштиришга, ахборот тизимлари ва ресурсларининг яхлитлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади. Бундан ташқари, руҳсатсиз ҳарақатлар, ахборотни йўқ қилиш, ўзгариштириш, бузиш, нусхалаш, блоклаш ва мамлакатнинг ахборот тизимлари ва тармоқларига ноқонуний ара-лаштиришнинг бошқа шаклларининг олди олинишига хизмат қилади.

Кўтбидан БҲҲОҲОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.

«COTTON CAMPAIGN» ХАЛҚАРО КОАЛИЦИЯСИ ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ГЛОБАЛ БОЙКОТ ЧАҚИРИҒИНИ ТУГАТДИ

Брифингда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида соҳада тизимли ислохотлар олиб борилаётгани айтиб ўтилди. Бу борада, айниқса, агробизнес учун қулай муҳит яратиш, унинг инвестициялар жалб этувчанлигини ошириш, бозор тамойилларини кенг жорий этиш ҳамда меҳнатни механизациялаштиришга устувор аҳамият қаратилаётир.

асосланган ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан олиб борилган изчил сай-ҳарақатлар натижасида Ўзбекистонда тизимли мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди, — деди Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева. Брифингда «Cotton Campaign» халқаро коалицияси ўзбек пахтасини глобал бойкот қилиш чақирғини тугатгани эълон қилди.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борада ҳам халқаро ҳамкорликка катта ургу берилди. Ҳозирги вақтда одам савдоси, мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва ишчилар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти, Меҳнат вазирилик, шунингдек, «Cotton Campaign» коалицияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар режалари муваффақиятли амалга оширилаётгани бунинг аққол солидир.

Коалиция раҳбари Б. Фриман Ўзбекистонда пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида сезиларли ютуқларга эришилгани, соҳада кўп йиллардан бўён сақланиб келаётган муаммолар ҳал қилинганлигини қайд этди. — Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат томонидан мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва Ўзбекистон пахта секторини ислох қилиш учун зарур тарихий ислохотларни таклиф қилиш ва амалга оширишдаги етакчилигини юқори баҳолаймиз, — деди «Cotton Campaign» халқаро коалицияси раҳбари Беннет Фриман. — Сўнгги йилларда Ўзбекистон томонидан эришилган натижалар «Cotton Campaign» халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига нисбатан эълон қилинган бойкотни олиб ташлаш учун асос бўлди.

Анжуманда айтилганидек, ўзбек пахтасининг бойкотнинг олиб ташланиши текстиль sanoatida дунёдаги етакчи корхоналарнинг Ўзбекистон бозорига кириб келишига кенг имкон яратди. Аини чоғда, бу мамлакатда миллионлаб янги иш ўринлари яратишга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида халқаро стандартларни жорий этишга, тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт ҳажмини оширишга ҳамда соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Йиғилиш

ТЕХНИК ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Санаят, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда амалдан бурганик «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунларда аккредитация жараёнинда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, бу

жараёнда бетарафлик ва ҳолислик таъминланишининг қонуний асослари яратилмаган. Соҳадаги манфаатдор идораларнинг вазифалари ва ваколатлари тўлиқ олиб берилмагани, аккредитация органи

ваколатлари чеклаб қўйилгани сабабли бу аккредитация натижалари халқаро даражада тан олинishi имконини бермайди. Йиғилишда ҳар томонлама пишиқ-пuxта, ҳаётий, халқлик қонунларни яратиш бугун жуда долзарб масала эканлиги айтилиб, лойиҳани янада тақомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Кўмитада қонун лойиҳасини тақомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

ВОЛОНТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

«Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси парламент куйи палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига корпоратив волонтерлик фаолиятини тартибга солишга қўшимчалар киритиш назарда тутилди. Шунингдек, лойиҳада «корпо-

ратив волонтер бу ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотнинг корпоратив волонтерликка ихтиёрийлик асосида жалб этилаётган ходими» сифатида белгилаиб, «корпоратив волонтерликка жалб

қиладиган иш берувчи» тушунчасига таъриф берилмоқда. Йиғилишда айтиб ўтилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда волонтерликнинг шаклларида бири бўлган корпоратив волонтерликни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга, шу орқали волонтерликнинг ушбу шакли ривожланишига хизмат қилади. Депутатлар томонидан берилган кўплаб таклифлар инобатга олинди ва қонун лойиҳасида ўз аксини торапдиган бўлди.

МУҲИМ ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНИШИ ШАРТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Санаят, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Қонун лойиҳаси махсулотларнинг хавфсизлик талабларини белгилаш орқали фуқаролар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, истеъмолчиларни қалғитадиган

ҳаракатларнинг олдини олиш, савдо-сотика техника тўсиқларга йўл қўймайликка қаратилган махсулот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги меъёрларнинг сама-

радорлигини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлади. Йиғилишда қонун лойиҳасидаги маҳаллий махсулотлар сифати ва рақобатбардорлигини кучайтириш, бозорда хавфли махсулотлар реализациясининг олдини олишга қаратилган норма-лар атрофида муҳокама қилиниб, депутатлар таклифлари асосида тақомиллаштирилди.

«Халқ сўзи».

ТИББИЁТ СОҲАСИ КОРРУПЦИЯДАН ҚАЧОН ҲОЛИ БЎЛАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Иноятовнинг «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупциянинг олдини олиш ва коррупция кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш борасидаги ишлар ҳақида»ги ахбороти эшитилди.

Эшитув

Парламент куйи палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмиталари томонидан соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича чоралар ижроси доимий назоратга олинди, бу борадаги ишлар ҳолати жойига чиққан ҳолда ўрганилган, вазирлик масъул раҳбарларининг ахбороти бир неча бор эшитилиб, қўшма қарорлар қабул қилинган ва қатор тавсиялар ишлаб чиқилган. Эшитишда мана шу қарорларда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш борасида берилган тавсия ва таклифлар юзасидан вазирлик тизимида амалга оширилган ишлар ҳолатига ҳам эътибор қаратилди. Тадбирда соғлиқни сақлаш соҳаси-

омиллар аниқланган. Бундан ташқари, бугунги кунда тадбиркорлар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг айрим бўйруқларида коррупцион омиллар мавжудлиги юзасидан Қонунчилик палатасига шикоятлар келиб тушмоқда. Депутатлар юқоридаги ҳужжатларга вазирлик томонидан ҳанузгача тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида натижалли иш бажарилмаганини танқид қилдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида «Коррупциядан холи соҳа» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўлиқ таъминланмаётгани ҳам депутатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Эшитув якунида соғлиқни сақлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларидаги коррупцияга шароит яратувчи нормаларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик ва аҳоли билан доимий қайта алоқа қилиш тизимини йўлга қўйиш, тизимда «комплаенс назорат» бўлинмалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш ҳамда соҳада коррупциянинг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўриш, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш бўйича кўмиталарнинг қўшма қарори қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ «Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

КЎП ЙИЛЛИК ИНДИКАТИВ ДАСТУР БИР ҚАТОР СОҲАЛАР РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Дастур самарали бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, рақамли трансформация ва қишлоқ хўжалиги — ағро озиқ-овқат секторини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни қамраб олган.

Дастур самарали бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, рақамли трансформация ва қишлоқ хўжалиги — ағро озиқ-овқат секторини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни қамраб олган.

мақсади Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тақдим этилган ислохотлар дастурини амалга оширишни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Бу Европа Иттифоқининг «Яшил битим» ва рақамлаштириш, ёшлар учун барқарор иш ўринларини яратиш, шу билан бирга, давлат бошқаруви такомиллаштириш каби мақсадларига мос келади. Эътиборлиси, у бир қатор йўналишларни ўзида ифода этади.

хўжалиги ва «яшил» ўсишни қўллаб-қувватлаш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, суд ҳамда транспорт ва логистика тизимларини рақамлаштириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, шунингдек, Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича лойиҳалар ва тadbирларни амалга ошириш юзасидан ҳам фикр алмашди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА мухбири.

ИЛМ-ФАН — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ

Ислохотлар рўйбўйи таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларида бошқарув кенгашлирининг роли оширилмоқда, шунингдек, кафедра-ла ваколлатларини кенгайтириш, ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириш, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талаба-ёшларнинг ўз устида ишлаши учун етарли шарт-шароит яратиш долзарб вазифа сифатида белгиланди. Уларни самарали бажариш учун олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилиши масала ечимига қаратилган энг тўғри йўлдир, десак, мунобаза бўлмайдими. Негаки, бундан бунён ўқув режаси ва адабиётлар, фан дастурларининг жорий этилиш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкласи ҳамда таълим шакллари белгиланиши олийгоҳ бошқаруви кенгашлирининг ўзи адолат юзасидан ҳал этиши кўзда тутилган.

Сирасини айтганда, таълим сифати борасида ўзгаришлар ҳали кўтилган даражада натижа беряпти, дейиш қўйин. Чунки токи кечаги кунга қадар таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш масаласи эътибордан бир қадар четда қолди. Бу давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 1 март кунини хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мақеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида асосли танқидларга сабаб бўлди.

Мазкур йиғилишда олий таълим тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, маънавий-маърифий муҳитни замон талабига мослаш, ўқувчи касбининг нуфузини ошириш, янги давр педагогларини тарбиялаш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қозғолиқни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда таълимнинг сифат ҳамда самарадорлигини оширишда самарали татбиқ қилинган қаратилган ваколлатларини кенгайтириш, ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириш, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талаба-ёшларнинг ўз устида ишлаши учун етарли шарт-шароит яратиш долзарб вазифа сифатида белгиланди. Уларни самарали бажариш учун олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилиши масала ечимига қаратилган энг тўғри йўлдир, десак, мунобаза бўлмайдими. Негаки, бундан бунён ўқув режаси ва адабиётлар, фан дастурларининг жорий этилиш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкласи ҳамда таълим шакллари белгиланиши олийгоҳ бошқаруви кенгашлирининг ўзи адолат юзасидан ҳал этиши кўзда тутилган.



соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билим-ли, замонавий фикрлайдиган, ўз соҳасининг усталари бўлган инсонларга боғлиқ. Бу яқинда давлатимиз раҳбари раислигида олий ўқув юртлири талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида яна бир қарра таъкидланди.

Биласиз, одатда, олий таълим тизимида 1, 2-босқич талабаларига ишлаш учун имконият берилмас эди. Йиғилишда бу бордаги ишларни тизимли ташкил этиш учун Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиши маълум қилинди. Бу ишларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари белгилаб олинди, олий ўқув юртлири талабалари бандлигини таъминлаш бўйича сунъий тўсиқлар олиб ташланади.

Умуман, яратилаётган имкониятлар инсон омилини юксалтиришга қаратилган. Худди шунингдек, мазкур имкониятларни ҳаётга татбиқ этиш — катта масъулият, залварли иш. Бунини таълим тизими, айниқса, олий таълим босқичига дахлдор ҳар бир шахс чўқур ва онгли ҳис этмоғи зарур.

Шу ўринда яна бир гап. Мамлакатимиз ҳукуматининг саясий-ҳаракати билан бир неча кун аввал Украина олийгоҳларида таҳсил олиб турган ёшларимиз, нотинч вазият тақозосига кўра, Ватанга қайтарилди. Айтиш жоизки, улар шунчаки ўйларига қайтарилмаганди йўқ, ушбу талаба ёшларга республикаимиз олийгоҳларида таҳсилни давом эттиришлари учун имконият яратиб берилмоқда.

Муктасар айтганда, олий таълим мамлакатнинг эртанги тараққиётини белгилаб берадиган, жамият ҳаётининг барча жабаҳасини ислоҳ этишда хал қилувчи вазифани бажарадиган муҳим воқеалик ҳисобланади. Шундай экан, жамиятда олий таълим ўз номига муносиб равишда олий сифатга айланиши лозим.

Обиджон ҲАМИДОВ, Бухоро давлат университетининг ректори, Иқтисодий фанлари доктори, профессор.

МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ ЯХШИЛАШ НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

Аёл — оила бекаси, хонадон чарғобони бўлиш билан бир қаторда келажакимиз бўлиши ёш авлоднинг дунёга келтирувчи она ҳамдир. Унинг саломатлиги жамиятда соғлом муҳитнинг яратилишида асосий омили ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда оила ва жамиятда репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат дастурлари ижроси натижасида мамлакатимизда юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими ташкил этилди. Очиги, яқин 5-6 йиллар илгари ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, асосан, Тошкент шаҳрида жамлангани худудлар аҳолисининг тегишли хизматлардан фойдаланишини чеклаб қўяётган эди.

Фикр

Бу йил мамлакатимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тadbирини шукри ва қувонч билан кўриб чиқилди. Жумладан, эҳтиёжманд аёлларга зарур шартлар яратиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг касб-хўнара эгаллашига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, тadbиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тadbирлар амалга оширилди. Бундай ислохотлар ҳар бир хотин-қизини рўзғарини, янги марралар сари ундайди.

Мисол учун, 2016 йилда республика миқёсида муайян турдаги патологик ўзгаришларни ўзида қузатаётган туғуруқ ёшидаги хотин-қизлар, ҳомилалар аёллар ҳамда ёш оналарга чуқурлаштирилган тиббий хизматларни кўрсатиш билан, асосан, пойтахтда жойлашган Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий биёт муассасалари, шифохоналарида аҳоли ҳамда мутахассисларни қийнаб келатган масалаларни ўрганишда фаоллик кўрсатишимиз лозим. Зеро, шундангина кўзланган мақсадларга эришиши тезлашади.

кўшимча 6 минг нафар аёлга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилишига Давлат бюджетдан 100 миллиард сўм миқдордаги маблағ йўналтирилди. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 5 баробар кўлдир.

Миллат генофондини яхшилаш, саломатлик кўрсаткичларини ижобий таъминлаш, УЗ-гартини она ва бола саломатлиги муҳофазаси, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлашдан бошланади. Айниқса, бунда ўсимир қизлар саломатлиги катта аҳамиятга эга. Шу боис 2018 йилдан бошлаб мамлакатда дунёда биринчилардан бўлиб, ўсимир қизларни одам папилломаси вирусига қарши эмлаш билан даярли тўлиқ қамраб олиш йўлга қўйилди. Бу аёллар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Яқин истикболда 9 — 12 ёшдаги ўсимир қизларни одам папилломаси вирусига қарши эмлаш ва бошқа 12 турдаги вакциналар учун 200 миллиард сўм ажратилиши аёллардаги бачадон бўйни саратони хасталигининг олди олинишига хизмат қилади.

Аҳоли, айниқса, аёллар саломатлиги масаласи биз, депутатларнинг ҳам диққат марказимизда бўлмоғи лозим. Керак бўлса, ҳар чордада Қонунчилик палатаси томонидан соғлиқни сақлаш соҳасига оид ислохотларнинг ижросидаги ҳолати ҳамда хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларни эшитишни йўлга қўйишимиз шарт, деб ҳисоблайман. Қолаверса, ҳар ойда сайлов округларидаги тиббий муассасаларни, шифохоналарда аҳоли ҳамда мутахассисларни қийнаб келатган масалаларни ўрганишда фаоллик кўрсатишимиз лозим. Зеро, шундангина кўзланган мақсадларга эришиши тезлашади.

Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЭЪЛОН

Mulkchilik shaklidan qat'i nazar, barcha korxonalar, tashkilotlar va muassasalar rahbarlari diqqatiga!

O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA OMMAVIY KOMMUNIKATSIYALAR UNIVERSITETI

2021/2022-o'quv yilida universitetning bakalvriat ta'lim yo'nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bitiruvchilarini ish o'rinlariga taqsimlash jarayoni boshlanganligini ma'lum qiladi

O'zbekiston Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti ushbu o'quv yilida bakalvriat ta'lim yo'nalishlari bo'yicha o'zining ilk bitiruvchilarini chiqaradi. Shu kungacha universitetga barcha ta'lim yo'nalishlari va mutaxassisliklar bo'yicha turli tashkilotlardan 2000 ga yaqin buyurtmalar kelib tushgan.

Shu bilan birga, bitiruvchilarni ishga taqsimlashda respublikamizning barcha hududini qamrab olgan holda, yuqori

malakali mutaxassisliklarga ehtiyoji bor korxonalar, tashkilotlar va muassasalar rahbarlari diqqatiga! Bunday tashkilotlardan 2000 ga yaqin buyurtmalar kelib tushgan. Shu bilan birga, bitiruvchilarni ishga taqsimlashda respublikamizning barcha hududini qamrab olgan holda, yuqori

manzili, telefon raqami) hamda taklif etilayotgan lavozim to'g'risidagi ma'lumotlar to'liq ko'rsatilishi lozim.

Bundan tashqari, universitetda mavjud bo'lgan ko'plab sohalar — jurnalistika, marketing, mediadizayn, siyosatshunoslik va boshqa yo'nalish va mutaxassisliklari bo'yicha oliy ma'lumotli kadrlarga ehtiyoji bo'lgan barcha korxonalar, tashkilotlar, ommaviy axborot vositalari, shuningdek, tuman hokimliklari, aholi bandligiga ko'maklashish markazi

mas'ul xodimlari bitiruvchilar bilan bevosita suhbat o'tkazish, ishga tanlab olish hamda shartnomalar rasmiylashtirish uchun universitetning Marketing va talabalar analiyoti bo'limiga murojaat qilishlari mumkin.

Bitiruvchilar to'g'risidagi batafsil ma'lumot bilan universitet web-sayti (www.uzjoku.uz) va "Marketing va talabalar analiyoti bo'limi" menyuida tanishish mumkin. Yo'nalishlar bo'yicha ma'lumotlar quyida keltirilmoqda.

2021/2022-O'QUV YILIDA BITIRUVCHI BAKALAVRLAR TO'G'RISIDA MA'LUMOT

Table with columns for faculties and regions, showing the number of graduates in various specialties like Journalism, Marketing, and Design.

2021/2022-O'QUV YILIDA BITIRUVCHI MAGISTRRLAR TO'G'RISIDA MA'LUMOT

Table with columns for faculties and regions, showing the number of graduates in various specialties like Journalism, Marketing, and Design.

Ma'lumot uchun telefonlar: 71-207-06-09, 97-444-94-31 (X. Mirzayev). O'zbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universitetining Marketing va talabalar analiyoti bo'limi. Manzil: Toshkent shahri, Markaz-5, Qiyot — 88-uy.

Shaxsiy muvaffaqiyatdan — universitet muvaffaqiyati sari!



